

МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ  
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ  
(КИМЁ ФАНИ МИСОЛИДА)

*Абдулахатова Манзура Акрамжоновна*

*Чирчиқ давлат педагогика университети талабаси*

*Рашидова Наргиза Собир қизи*

*Чирчиқ давлат педагогика университети талабаси*

*Аитниязова Нилуфар Кеулимжай қизи*

*Чирчиқ давлат педагогика университети талабаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада педагогик таълим кластерининг илмий-педагогик муаммо сифатидаги аҳамияти тадқиқ қилинган. Унда хорижий тадқиқотчиларнинг фикрлари умумлаштирилган, педагогик таълим кластери тушунчасига таъриф берилган, Ўзбекистон шароитида уни тадбиқ этишнинг зарурати илмий асосланган. Унинг самарадорлиги таъҳлил қилинган, натижалар ва бошқа фарқлар кўрсатилган ҳолда унинг мақсад, вазифалари ҳамда таълимдаги ютуқларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** Таълим, педагогик таълим кластери, тадқиқотчилар, мақсад, вазифалар, ривожланиш, илмий-амалий аҳамияти, фан ва ишлаб чиқариш, инновацион, кластер.

**Аннотация:** В данной статье исследуется значение кластера педагогического образования как научно-педагогической проблемы. В ней обобщены мнения зарубежных исследователей, определено понятие кластера педагогического образования, научно обоснована необходимость его реализации в условиях Узбекистана. Проанализирована ее эффективность, указаны результаты и другие отличия, предпринята попытка показать ее цели, задачи и образовательные достижения.

**Ключевые слова:** Образование, кластер педагогического образования, исследователи, цель, задачи, развитие, научная и практическая значимость, наука и производство, инновационный, кластер.

**Abstract:** In this article, the importance of pedagogical education cluster as a scientific-pedagogical problem is investigated. In it, the opinions of foreign researchers are summarized, the concept of pedagogical education cluster is defined, the necessity of its implementation in the conditions of Uzbekistan is scientifically based. Its effectiveness has been analyzed, results and other differences have been indicated, and an attempt has been made to show its goals, objectives and educational achievements.

**Key words:** Education, pedagogical education cluster, researchers, goal, tasks, development, scientific and practical significance, science and production, innovative, cluster.

## КИРИШ

Таълим тизимининг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш узлуксиз педагогик таълимни кластер тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш механизминиривожлантириш заруратини тақозо этмоқда.

Педагогик таълим жамиятнинг барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамияти ва талабидан келиб чиққан ҳолда инновацион моделларни ўзлаштиришни тақозо қилади. Кейинги йилларда педагогик таълимга янги илмий-амалий йўналиш сифатида кириб келган кластер ёндашуви замонавий талабларга мослиги, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш бўғинлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Педагогик таълим кластери тизимнинг бугунги ҳолатидан келиб чиқилганда ҳаётини зарурат эканлиги ойдинлашади.

Дунёда таълимнинг мазмунининг касбий-технологик вариативлигини, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланган кластерли ёндашувнинг замонавий ва истикболли меҳнат бозори талаблари асосида диверсификациялаш, ўқитиш усуллариини технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, таълим сифати назарияси ва методологиясининг етакчи ғояларини татбиқ этиш орқали амалга ошириш бўйича қаторилмий изланишлар олиб борилмоқда [3].

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хусусан, бунга исбот бўлувчи «КЛАСТЕР» сўзига тўхталишни мақсад қилганмиз. «Кластер» сўзи, афтидан, ўзбек тилида неологизм бўлганлиги сабабли 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини қамраб олган 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га киритилмаган. Шунга қарамасдан, сўнги вақтларда «кластер» сўзига нафақат иқтисодиёт, балки педагогика соҳасида ҳам тез-тез рўбаро келаётганимиз сир эмас. Давлат раҳбари томонидан бот-бот тилга олинаётган ушбу сўз қандай тушунча, маънони англатади, унинг моҳияти нимадан иборат эканлиги ҳақида Маъруф Тошпўлатов ўз мақоласида қуйидагича сўз юритган: «Кластер - инглиз тилидаги «cluster» сўзидан олинган бўлиб, таржимада гуруҳ, тўп, тўплам, боғ, шода каби маъноларни англатади. Мазкур атама компьютер муҳандислигида, мусиқа, таълим, астрономия, иқтисодиёт каби соҳаларда қўлланилади ва вазифаси жиҳатидан бир-бирига боғлиқ ва бир «маржон»дек тизилган объектларга нисбатан қўлланилади. Жумладан, ...

Иқтисодиёт ва саноатда эса ишлаб чиқаришнинг бир худудда жамланган ва бир-бири билан боғланган бўлинмалари тушунилади. Кластер атамаси америкалик иқтисодчи, Гарвард мактаби профессори, рақобат имкониятларини ўрганиш бўйича мутахассис бўлган Майкл Южин Портер томонидан илк бор қўлланган эди. У кластерга географик жиҳатдан қўшни бўлган, бир-бири билан боғланган, муаян бир соҳада фаолият олиб борадиган ҳамда бир-бирининг ишини тўлдирадиган корхона ва ташкилотлар бирлашмаси сифатида таъриф берган.

Шу сабабли, кластер ёндашуви асосида бўлажак кимё ўқитувчисини касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолати илмий ва амалий педагогик методлар орқали ўрганилганда, олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш асосан бир хил, яъни давлат таълим стандартлари, ўқув режа, намунавий ўқув дастури каби меъёрий хужжатлар асосида ташкил этилиши, кластер ёндашуви ва касбий фаолиятга тайёрлашда касбийтехнологик вариативлик деярли амалда қўлланилмаётганлиги маълум бўлди.

Касбий-технологик вариативлик ўқув жараёнида инновацион фаолиятни ташкил этиш, турмуш тарзи ижтимоий ҳолатга тааллуқли ахборот оқимининг тобора жадаллашуви бугунги маълумотларни тезкор қабул қилиб олиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалар чиқариш ҳамда таълим олувчига етказиб бериш суръатини оширишни тақозо этади. Таълим соҳасида олиб борилаётган республикамиздаги ислоҳатлар ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллаш тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда яқин истиқболда бу тажрибалардан узлуксиз таълим муассасалардаги ўқув жараёнларда фойдаланишни кўзда тутади [1].

Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора тадбирлар таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялар ахборот коммуникация воситалари электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларда фойдаланиш лозимлиги кўрсатади.

Маълумки, таълим тизимидаги ислоҳотлар, педагогдан психологик ўзгаришлар талаб қилади. Ўқув жараёни олға силжиши учун педагог ва таълим олувчилар ҳамкорлигига асосланган янги педагогик фаолиятни йўлга қўйиш, ижодий ёндашувтехнологиясини ўзгартириш лозим [4].

Замонавий тажрибаларни ўзлаштириш жараёнида педагог муаммоларни англаб этиш, касбий-технологик вариативликни дастурлаб, амалга ошириш ва янги тажрибанимустаҳкамлаш каби босқичларни ўташ лозим [2].

Тажрибалар шуни кўрсатдики, касбий-технологик вариативликни қўллашни амалга ошириш учун биринчи туртки педагогик фаолиятдабаъзи нуқсонларни кўзга ташланиши, ишдаги натижаларнинг янги талабларга жавоб

бера олмаслик каби ташқи омиллар таъсирида вужудга келди. Касбий-технологик вариативликни амалга ошириш учун педагогда ўз услубларидан қоникмаслик ҳисси уйғониши, яъни ташқи омиллар ички омилга айланиши керак бўлади. Шу билан бирга, педагогдан ўзини танқидий нуқтаи-назардан баҳолаш ва бунинг учун ундан кенг дунёқараш, психологик - педагогик фан ва амалиёт натижаларини билиш талаб қилинади. Амалиётдан маълумки, педагоглар маълумот олишда касбдошлар билан мулоқот, матбуотдаги услубий тавсиялар ва мақолалар каби тезкор, осон қўлга киритиладиган манбаларга таянади.

Касбий-технологик вариативлик педагогик восита, шакл ва методларни мустаҳкамлаб, таркибий жиҳатдан ўзгартиришни талаб этади. Сўнгги йилларда замонавий таълим амалиётда икки йўналиш ажралиб чиқди:

- 1) Таълимнинг анъанавий шакллари, усул ва воситаларни такомиллаштириш йўналиши;

- 2) Таълим жараёни технологиялаштиришни жадаллаштириш йўналиши. Зеро, анъанавий усуллар ўрнига янги технологияларнинг кириб келиши ўқув жараёнида таълим самарадорлигини оширишга имкон беради.

Демак, Европанинг илм-фан, саноат тараққий этган давлатларидан бири бўлмиш Германия федератив республикаси ҳудудларида ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият юритаётган, ҳатто, «янги таълим ислоҳоти» дея эътироф этилаётган ва кун сари бутун немисзабон мамлакатларда сони ошаётган шу каби шулкастерлар фойдали, таълим сифатини оширишга, таълим муассасалари ҳамда ҳудудий бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда самаралироқ ишлашига хизмат қилса, қолаверса, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти педагог жамоаси шу тарзда, яъни педагогик таълимда инновацион кластер асосида ишлашга очик-ойдин даъват этаётган бир даврда биз – педагоглар буни ҳаётга тадбиқ этишда ўз ҳиссамизни қўша олмасак, унинг порлоқ истиқболини яратишда ўзимизни четга тортсак, уни бошқа соҳа вакиллари эътиборига ҳавола қилмасак, тарғиб қилмасак, буюк ва муқаддас касб ҳисобланмиш- педагоглар сафига ўзимизни қўша олмаймиз – деб ҳисоблайман.

## ХУЛОСА

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, узлуксиз таълим тизимининг барча турлари ва босқичларида самарадорликни ошириш ва такомиллаштиришнинг янги механизми сифатида педагогик таълим кластерини ривожлантириш, таълим парадигмаларининг янги имкониятларини яратиш, кластер ёндашуви асосида манфаатли ҳамкорликнинг истиқбол натижаларини, бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлик жараёнини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, шунинг учун ҳозирги даврда содир

бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштирган, бу ахборотларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган мутахассис кадрлар тайёрлаш учун ўқитиш мазмунининг касбий-технологик вариативлигини ривожлантириш керак.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Хайдарова О.Қ. Булажак касб таълим ўқитувчиларини таълим жараёнига технологик ёндошувга тайёрлаш: Дисс. ... пед. фан. номз. - Т.: 2005.- 143 б.
2. Хуторский А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования // Народное образование. - 2003. - №2,- С. 58-65.
3. Шадриков В.Д. Новая модель специалиста: инновационная подготовка и компетентностный подход // Высшее образование сегодня. -2004,-№8.-С. 26-31.
4. Ernazarova G.O. The need to study pedagogical professional thinking/ Eurasian journal of Learning and Academic Teaching journal impact factor:8.115.ISSN(E):2795-739X.volume 5/February 2022. 95-98 p.